

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИГА ЧЕТ ЭЛ САРМОЯСИ



Бугунга келиб эса, аҳоли тили билан айтганда “Дом” мақбул вариант бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, кўпхонадонли уйларнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам бор. Шулардан бири иссиқлик таъминотидир. Куз-қиш ойларида бу инсонларнинг масалада муаммо бўлса, бу инсон соғлиги ва яшаш тарзи бузилишига олиб келади.

Аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатишнинг ривожлангани ва самарадорлиги нафақат аҳоли ҳаётининг сифатини оширади, балки жамият маданияти, унинг маиший ва турмуш тарзи даражасини ифода қилган ҳолда иқтисодий салохиятининг ўсиши ва инвестициялар жалб қилиш учун муҳим шарт-шароитлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг “2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан иссиқлик таъминоти тизимининг асосий фондларини янгилаш ва модернизациялаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Қарор билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, ягона техник сиёсат ва ижро механизмларини ўрнатиш белгиланган.

Қарорда 2018–2022 йилларда марказий қозонхона, иссиқлик тармоқлари, маҳаллий қозонхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш, энергия самарадорлиги юқори бўлган, жумладан, гелиоқурилмаларни қўллаш орқали маҳаллий қозон-

Бир вақтлар ҳамюртларимиз кўпхонадонли уйларда яшашни кўпам хушламас эди. Бундай уйларда яшашнинг ўзига яраша қулайликлари бўлса-да, ота-боболаримиз каби ҳовли-жойларда яшашни хуш кўришарди. Йиллар давомида кўпхонадонли уйларнинг қулай имкониятлари кўпчилиكنинг эътиборини ўзига тортти.

хоналар қуриш, хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш параметрлари, шунингдек, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тасдиқланди.

Республиканинг барча вилоят марказларида иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган. Шу жумладан, энг кўп иссиқлик истеъмолчиларига эга Тошкент шаҳрида амалдаги иссиқлик таъминоти тизими анча эскиргани ҳамда ҳақиқий аҳволни ўрганиш жараёнида иссиқлик таъминоти масаласида етарлича камчиликлар борлиги аниқланган.

Бугунги кунда республикада турли хил қувватдаги кўпчилик қозонхоналар 1991 йилгача қурилган бўлиб, улардаги қозонларнинг эскириш даражаси 70 фоизни ташкил этади. Қозонларнинг, магистраль ва тақсимловчи иссиқлик қувурларининг ҳамда кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тизимлари ва ускуналарининг эскирганлиги сабабли 1 Гкал иссиқлик қувватини ишлаб чиқишга сарф қилинадиган ёқилги белгиланган нормадан 1,5 баробарга ошиб кетиш ҳолатлари кузатилган. Пойтахтдаги иссиқлик таъминоти тизими ҳам ушбу муаммолардан ҳоли эмас, албатта. Тизимдаги ушбу камчиликларни бартараф этиш, келгусида пойтахт аҳолисига сифатли иссиқлик таъминотини таъминлаш мақсадида Европа тараққиёт ва тикланиш банки иштирокида “Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизими самарадорлигини ошириш” ҳамда “Тошкент шаҳар иссиқлик таъминоти тизимини реабилитация қилиш” лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланган.

Лойиҳалар Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси ва Европа тараққиёт ва тикланиш

банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш” қарорига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ЕТБ банк томонидан 150,0 млн. АҚШ долл. миқдоридagi кредит маблағлари йўналтирилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда ҳамкорлик доирасида истиқболдаги 9 та лойиҳага банк кредит маблағларини жалб этиш ишлари бошланди. Ҳозирга қадар 7 та лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашнинг ишлаб чиқилганини ҳамкорликнинг амалдаги самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 190,8 млн. АҚШ долл.ни ташкил этади. Эндиликда жисмонан эскирган ускуналар ўрни замонавий, энерготежамкор ускуналар билан алмаштирилади. Лойиҳа доирасида Тошкент шаҳрида 1– ва 6-Иссиқлик марказларини ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича яқка тартибдаги ва марказий иссиқлик пунктларини ўрнатиш, иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш ва янгилаш, ер остидан ўтувчи иссиқлик тизимларининг изоляция қисмини янгилаш, қозонхоналардаги эскирган ускуналарни алмаштириш ва бошқа ишларни бажариш режалаштирилган.

Лойиҳани 2023 йилга қадар амалга ошириш кўзда тутилган. Бу лойиҳалар орқали Тошкент шаҳрининг марказий иссиқлик тизимларини замонавий энерготежамкор технологиялар асосида модернизация қилиш, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш корхоналаридан узоқда жойлашган ҳудудларга локал қозонхоналар қуриш орқали децентрализация қилиш масалаларини ўз ичига олади.

**Азизбек ЭРКАБОЕВ,
Халқаро молия институтлари
билан ҳамкорлик қилиш
бошқармаси бошлиғи.**